ЭЛАТЛИГИН ВА МИЛЛАТЛАРАРО
КУТУБХОНАСИ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 28-noyabr. Payshanba • 143 (31.733) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ БОШ ВАЗИРИ ЛИ КЭЦЯННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян 2013 йил 28 ноябрда расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади.

Ташриф дастурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашув кўзда тутилган.

Шунингдек, ҳукуматлараро музокаралар ўтказиш, турли соҳаларда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ҲАҚИДА

**Тошкент шаҳрида 2013 йил 29 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтади.**

Унда Қозоғистон Республикаси Бош вазири С.Аҳметов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Ж.Сотиболдиев, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Д.Медведев, Тожикистон Республикаси Бош вазири К.Расулзода, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, ШҲТ Бош котиби Д.Мезенцев, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн, ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ва ШҲТ Банклараро бирлашмаси кенгаши раислари иштирок этадилар.

Мажлисда ШҲТда кузатувчи давлатлар вакиллари — Афғонистон Ислом Республикаси иккинчи вице-президенти М.Ҳалилий, Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С.Сингх, Эрон Ислом Республикаси саноат, конлар ва савдо вазири М.Неъматзода, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари Д.Тэрбишдагва, Покистон Ислом Республикаси Бош вазирининг миллий хавфсизлик ва ташқи ишлар бўйича маслаҳатчиси С.Азиз, шунингдек, ҳамкор халқаро ташкилотлар вакиллари — БМТ Бош котиби ўринбосари — БМТ ЭСКАТО ижрочи котиби Н.Хейзер, АСЕАН Бош котиби ўринбосари Нянь Линь, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби С.Лебедев қатнашади.

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгаши ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларига оид қарорлари ижросининг бориши, шунингдек, ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолиятига оид маърузалар тингланиши режалаштирилмоқда.

Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси доирасида Қўшма баёнот ва қатор бошқа ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати**

### Фракция муҳокамаси







## Давлат бюджети ижросида

ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган дастурлар ўз вақтида ва самарали молиялаштирилишидан аввало Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаат кўрмоқда

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисида»ги масалани қизғин муҳокама этишди.**

Мажлисда таъкидландики, ўтган тўққиз ой мобайнида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатлардаги ўсиши таъминланди.

2

## Ҳиндистондаги етакчи сиёсий ПАРТИЯЛАР



ижтимоий ҳимоя тамойилини мустаҳкамлаш тарафдори

3

## ОНЛАЙН пластик карточканинг афзалликлари

ҳамда қулайликларидан аҳоли мамнун, аммо баъзи ҳолларда муаммоларга ҳам дуч келинмоқда

4

### ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

## БПТ фаолияти кучайиши учун

*туман партия кенгаши, депутатлик гуруҳи улар билан тизимли иш олиб бориши зарур*

2

### Конституциямизнинг 21 йиллиги олдидан

## Самимий мулоқот

**Бош Қомусимиз қабул қилинган кунга бағишланган тадбирлар республикамизнинг турли жойларида, жумладан, таълим муассасаларида ҳам ўтказилмоқда.**

Шундай тадбирлардан бири Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги Гидромелиорация ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши вакиллари ва «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий ходимлари иштирок этди.

Коллеж директори Алишер Ҳайдаров мамлакатимизда ёш авлод билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун яратилган шароитлар ҳақида тўхталаркан, булар ҳаммаси Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларимиз ҳаётда ўз ифодасини топаётганининг ёрқин исботи эканини таъкидлади. ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ҳаётхон Ортиқбоева Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилаётган ютуқлар Бош Қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлар шарофатидан экани тўғрисида тўхталди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов бугун ёшларимиз учун яратилган кенг имкониятлар, улар эришаётган ютуқлар ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Шунингдек, ёшлар масаласи, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш вазифаси газетанинг асосий мавзуларидан эканини таъкидлади. Бу йўналишдаги рукн ва мақолалардан мисоллар келтирди.

Тадбир охирида мазкур ўқув даргоҳининг фаол ўқувчи ва ўқитувчиларига газета таҳририятининг эсдалик совғалари топширилди.

**Замира ЭГАМОВА, Оқолтин Гидромелиорация ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, ЎзХДП аъзоси.**

### ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

**Ўзбекистон ХДП хотин-қизларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш тарафдори!**

## Хотин-қизлар фаоллиги — оила ва жамият мустаҳкамлиги гарови

Ҳар бир киши давлат ва жамият ривожига хизмат қилиши, одамларга нафи тегадиган эзгу ишларни амалга ошириши учун, аввало, оиласи тинч ҳамда рўзғоридан кўнгли хотиржам бўлиши керак.

Зеро, оилалар мустаҳкамлиги жамият мустаҳкамлигининг гаровидир. Шу боис мамлакатимизда оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта аҳамият бериб келинмоқда.

Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қанотининг Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туман бўлими ташаббуси билан **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни»** мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Қўнғирот туман партия кенгаши маъсул ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, «Фаол аёллар» қаноти аъзолари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, етакчилик қобилиятини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди.

— Хотин-қизларнинг ижтимоий манфаатларини муҳофаза этишда ҳамкор ташкилотлар, депутатлар, бошланғич ташкилотлар билан биргаликда иш олиб бораяпмиз, — деди **ЎзХДП Қўнғирот туман кенгаши раиси Гулзада Балтабаева.** — Айниқса, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда мазкур ҳамкорлик катта самара бераяпти.

*(Давоми 2-бетда.)*

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

**Мустақил тараққиётимизнинг ҳуқуқий пойдеври**




**Жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари Давлат бюджетининг 59,7 фоизини, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3 фоизни ташкил этди. Бу эса аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.**

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан етакчиларнинг сиёсий ва касбий маҳоратини оширишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

*Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.*




O'ZBEKISTON OVOZI
— хилма-хил фикрлар минбари, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

# Давлат бюджети ижросида

## ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган дастурлар ўз вақтида ва самарали молиялаштирилишидан аввало Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаат кўрмоқда

Фракция муҳокамаси



Давлат бюджети ҳисобот даврида профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқни ташкил этди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизни, чакана савдо айланмаси 14,7 фоизни ташкил этди. Машинасозлик ҳамда металлга ишлов бериш, енгил саноат, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати каби тармоқлар жадал ривожланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи Олимжон Жумаевнинг таъкидлашича, ҳисобот даврида 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари, хусусан, иқтисодиёт ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, турли инвестиция лойиҳалари бажарилишини жадаллаштириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар ижроси таъминланган. Шу орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмол талабини рағбатлантириш, иқтисодиёт таркибини диверсификация қилишга доир чора-тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди.

**Таҳлилларга кўра, бунинг натижасида аҳолининг бандлик даражаси 2,5 фоиз, иш ҳақи 17,3 фоиз, пенсия ва ижтимоий нафақалар ўртача 27,8 фоиз, реал даромади 15,9 фоизга ўсган.**

ЎзХДП фракцияси Давлат бюджетининг 9 ойлик ижросини кўриб чиқаётганда ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимояни таъминлашга хизмат қиладиган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали молиялаштирилишига алоҳида эътибор қаратди.

**Саттор РАҲМАТОВ,**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*



— Ижтимоий соҳа харажатларининг 57,5 фоизи таълим тизимига, 24,2 фоизи соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга йўналтирилгани партиямиз дастурий мақсадларида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ишларининг самарадорлиги бўйича белгиланган вазифалар амалга ошишида муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқув амалиётини ташкил этиш учун зарур бўлган хомашё материаллари харид қилишни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Маълумки, ёшларнинг ўз мутахассислиги бўйича мукаммал билим ва кўникмаларни эгаллаши уларнинг бандлиги таъминланишида, келажаги кафолати мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Ёшлар назарий билимларини амалиётда татбиқ этишни мукаммал ўзлаштирса, бўлғуси иш жойида фаолиятини самарали давом эттира олади. Фракциямиз партиямиз Дастуридан келиб чиқиб, бу масалага жиддий эътибор қаратади. Чунки таълим сифатининг ошиши коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарали ҳал этилишига хизмат қилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида кўриб чиқилаётган даврда 540 минг нафар биринчи синф ўқувчиси ўқув қуроллари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига қишки кийим-бош ва пойабзаллар олинган, 64 та «Баркамол авлод» болалар маркази ҳамда 132 та коллеж ва академик лицей капитал таъмирланган.

Фракциямиз муҳокама чоғида, шунингдек, таълим ва тиббиёт соҳасига ажратилаётган маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши, бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва бюджет интизомига қатъий риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Фракция аъзолари бюджет ижроси бўйича масъулиятни изчил ошириш, бу борада тезкор ва самарали чоралар кўриш зарурлигини таъкидлашди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, **«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисида»**ги ҳисобот қўллаб-қувватланди.

**Искандар АЗИЗОВ,**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*



— Молия вазирлиги маълумотномасида келтирилишича, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари Давлат бюджетининг 59,7 фоизини, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3 фоизни ташкил этаяпти. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қариялар ва ногиронлар таъминоти билан боғлиқ харажатлар ўз вақтида молиялаштирилган.

Ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантиришга қаратилган дастурларнинг самарали амалга оширилиши Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида белгиланган иш жойларининг ўз вақтида очилишига шароит яратаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бандлик дастурига асосан жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда 833,4 мингта иш ўрни, жумладан, қишлоқ жойларда 488 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаровонлигини ошириш харажатларига, жумладан, кам даромадли оилаларга, болаликдан ногиронларга, уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича имтиёзга эга фуқароларга зарур маблағ ажратилган. **Фракциямиз буни мамлакатимизнинг юксалиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами турмуш даражасини яхшилашда фойдаланишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат самараси, деб ҳисоблайди.**

*Фракция мазкур масала юзасидан ўз нуқтаи назарини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида ҳам қатъият билан илгари сурди. ЎзХДП фракцияси аъзолари Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ялпи мажлисда кўриб чиқишда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Ҳисобот даврида бюджет харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага тўғри келиши Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигидан дарак беради. Айни вақтда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишга бундан буён ҳам жиддий эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидланди.*

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга бўлган фотоэлектр станциясини қуриш бўйича пилот лойиҳани амалга оширишга киришилди.

# Ўзбекистон қуёш энергиясининг йирик марказига айланади

Мунособат

**Мамлакатимизда ўтказилган Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида юртимизда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари атрофлича таҳлил қилинди.**

Президентимиз халқаро форумдаги нутқида таъкидлаганидек, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга бўлган фотоэлектр станциясини қуриш бўйича пилот лойиҳани амалга оширишга киришилди. Шунингдек, бир неча қуёш энергияси станциялари барпо этиш мақсадида 6 та ҳудудда энг замонавий ўлчаш станциялари жойлаштирилди. Бундан ташқари, «Ангрен» махсус индустриал зонасида Кореянинг «Шиндонг Энерком» компанияси иштирокида йиллик қуввати 5 минг тонна бўлган кремний ишлаб чиқарувчи иккинчи завод қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Хитойнинг йирик компаниялари иштирокида эса 2014 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки қуввати 50 мегаватт бўлган фотоэлектр панеллари ишлаб чиқарадиган, «Жиззах» махсус индустриал зонасида эса йилига 50 минг дона қуёш иссиқлик коллекторлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришга мутаносиб замонавий инфратузилмани қарор топтириш бўйича вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда тикланадиган, хусусан, қуёш энергияси манбаларининг ривожланишидан бизнинг партиямиз электорати ҳам манфаатдордир.

Халқаро форумда мамлакатимизда қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш ҳисобига олис ҳудудлардаги аҳоли турар жойлари, таълим муассасалари, қишлоқ врачлик пунктларини электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда бу борада олиб борилаётган ишлар партиямиз дастурий мақсад-вазифалари билан ҳамоҳангдир.

Юртимизда бир йилда 320 кун ҳаво очиқ туришини ҳисобга олсак, бу йўналишда мамлакатимизда истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконияти мавжуд. Форумда таъкидланишича, Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки хулосаларига кўра, Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг. Бу, албатта, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитларини янада юксалтириш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланишга ишончли асос бўлади.

**Яна бир муҳим жиҳат шундаки, яқин йиллар мобайнида узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги 1300 та умумтаълим мактаби ва касб-ҳунар коллежларини тажриба тариқасида қуёш коллекторлари билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Қишлоқ жойларидаги 600 дан ортиқ врачлик пунктларида фотоэлектрик панеллар ўрнатилади.**

Буларнинг барчаси узоқ ҳудудларда ҳам замонавий технологиялар асосида таълим бериш сифатини, қишлоқ врачлик пунктларида энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, партиямиз Дастурида белгиланган таълим ва тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

# Хотин-қизлар фаоллиги —

## оила ва жамият мустаҳкамлиги гарови

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

— Бугунги кунда туманимиздаги 1337 нафар партиямиз аъзосидан 535 нафарини хотин-қизлар ташкил этади, — деди **ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Қўнғирот туман бўлими етакчиси Робия Жарилкаганова.** — Партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ишларида фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, дунёқарашини юксалтириш бўйича маҳалла ва овулларда «Замонавий сиёсатда хотин-қизларнинг ўрни ва роли» каби мавзуларда мунтазам давра суҳбати ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар сафимизда фаол аёлларнинг кўпайишига хизмат қилади.

— Мамлакатимизда аёллар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун етарли шароит яратилган, — деди **Қўнғирот туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Жамила Аметова.** — Улардан қай даражада фойдаланиш ўзимизга боғлиқ. Шуниси қувонарлики, кейинги йилларда жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, тараққиётга муносиб ҳисса қўшаётган аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Аёллар фаоллигининг кучайишидан бутун жамият манфаатдордир. Шундай экан, хотин-қизларнинг ҳуқуқий, сиёсий билимларини ошириш, уйда ўтирган аёлларни ҳам сафимизга жалб этиш ишларини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Давра суҳбатида, шунингдек, хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилишга оид бошқа масалалар, уларни бартараф этиш йўллари атрофлича таҳлил этилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий жараёнларда иштирокини кучайтириш, улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли олиб бориш, чекка ҳудудлардаги хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбир якунида бундай давра суҳбатларини, айниқса, чекка ҳудудларда тез-тез ўтказиб туришга келишиб олинди.

**Гулмира УЗАҚБЕРГЕНОВА,**
**Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектор мудири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

***Наманган вилоятининг Косонсой туманида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 55 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Уларда 2671 нафар аъзо бирлашган. Туман партия кенгаши ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, ғоя ва мафкурасини оммалаштириш, электорат манфаатини ҳимоя қилиш бўйича бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратаяпти.***

# БПТ фаолияти кучайиши учун

## туман партия кенгаши, депутатлик гуруҳи улар билан тизимли иш олиб бориши зарур

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

Яқинда бу ерда ўтказилган давра суҳбатида ана шу муҳим масала яна бир бор муҳокама қилинди.

— Бошланғич ташкилот қаерда, қайси корхона ёки идора қошида фаолият кўрсатишига қараб, ҳар бири билан алоҳида иш олиб боришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди **Косонсой туман партия кенгаши раиси ўринбосари Анзират Абдуллаева.** — Мисол учун, яқинда тиббиёт муассасаларида тузилган бошланғич ташкилотлар билан режали тадбирларни ўтказиб келаяпмиз. Жамиятда тиббий маданиятни ривожлантириш, тиббиёт соҳасида электорат манфаатини ҳимоя қилиш бўйича жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундай ишларни янада кўпайтириш учун, аввало, бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ташаббускорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда бошланғич ташкилотларимизнинг кўпчилигида салоҳиятли етакчилар иш олиб бораяпти. Баҳористон қишлоқ врачлик пунктидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси Муҳаррамхон Қўчқорова яқинда вилоятда «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси», деб топилди. Биз ҳозир бу ташкилот тажрибасини оммалаштириш режасини тайёрлаяпмиз.

— Депутатлар ва партия фаоллари иштирокида БПТда ўтказилаётган амалий семинарлар, тарғибот-ташвиқот ишлари яхши самара бераётир, — дейди **ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Насиба Ҳайдарова.** — Шу йил бошланғич ташкилотимиз ташаббуси билан туман партия кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари кўмагида маҳалламиздаги 9 нафар пилла етиштирувчи аёлга қонуний тартибда меҳнат дафтарчаси очилди. Қишлоғимизда кўпчилик аёллар уй шароитида ҳунармандчилик билан шуғулланади. Уларга меҳнат дафтарчалари очилиши хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлайди. Шу йўналишдаги амалий ишларни кўпайтириш бошланғич ташкилотларнинг туман партия кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга боғлиқлигини тажриба кўрсатмоқда.

Тадбирда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Зокиржон Холматов, Наманган вилоят партия кенгаши раиси Дилором Абдураҳимова, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Василахон Тожибоева, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси Нигорахон Нуралиева ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бошланғич ташкилотлар фаоллигини янада кучайтириш, электорат манфаати билан бевосита боғлиқ ташаббусларни кўпайтириш бўйича режалар белгилаб олинди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Оқсоқол сайланди

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

**Шу кунларда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда. Бу жараёнда энг муносиб кишиларнинг номзодини кўрсатиш ва сайлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.**

Паркент туманидаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайлов ҳам демократик тамойиллар асосида ташкил этилди. Вакиллар йиғилишида таъкидланганидек, кейинги йилларда маҳаллада кенг кўламли ободончилик ишлари олиб борилди. Ҳозирги вақтда туман марказий шифохонасининг янги биноси, ёпиқ сузиш ҳавзаси каби иншоотлар айни шу ҳудудда қад ростламоқда. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида 100 га яқин уй-жой бунёд этилгани маҳалла қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Сайлов муқобиллик асосида бўлиб ўтди. Номзодлар орасидан Шарофиддин Эшматов «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

— Мен ушбу маҳаллада истиқомат қилаётганимга йигирма йилдан ошди, — дейди **маҳалла фаоли Аҳад Асроров.** — Номзодларнинг ҳаммасини яхши биламан. Сайловда Шарофиддин Эшматов номзоди учун овоз бердим. Чунки бу инсонни яқиндан танийман, маҳаллада обрўси юқори, бир сўзли, талабчан киши. Ўз дастурида маҳалламизда кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига, янги иш ўринлари яратиш каби жуда муҳим масалаларга жиддий эътибор қаратди.

— Маҳалла ҳаётимизнинг ажралмас қисми, — дейди **Феруза Йўлдошева.** — Бугунги кунимизни маҳалласиз, унинг иштирокисиз тасаввур эта олмаймиз. Шу сабабли ҳам маҳалла фуқаролар йиғинига ким раис бўлиши катта аҳамиятга эга. Сайловга тайёргарлик жараёнларида номзодларга алоҳида эътибор қаратдим. Уларнинг дастурлари билан яқиндан танишдим. Қатъий бир хулосага келиб, ўзимга маъқул номзодга овоз бердим.

— Одамларга елкадош бўлиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, бир сўз билан айтганда, ишончни оқлаш учун бор кучим билан меҳнат қиламан, — дейди **маҳалла оқсоқоли, ЎзХДП аъзоси Шарофиддин Эшматов.**

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

O`ZBEKISTON OVOZI
• 2013-yil, 28-noyabr.
Payshanba • 143 (31.733)-son
www.uzbekistonovozi.uz



Жаҳон мамлакатлари парламентлари ва сиёсий партиялари

# ҲИНДИСТОНДАГИ ЕТАКЧИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

## *ижтимоий ҳимоя тамойилини мустаҳкамлаш тарафдори*

**Ҳар қандай мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади. Сиёсий майдондаги курашлар ҳам бевосита сиёсий партиялар ўртасида кечади. Соғлом рақобат, тенг шароит ва имконият асосига қурилган бу жараёнлар демократиянинг асосий тамойилларидан ҳисобланади. Бу борада дунё тажрибасини ўрганиш, сиёсий партиялар ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлиш партиямиз аъзолари ва фаолларининг сиёсий билимини ошириш, ибратли тажрибалардан фойдаланиш имкониятини беради.**



Ҳиндистонда кўппартиявийлик тизими қарор топган. Сиёсий партиялар шаклланиш тарихи XIX аср охирларига бориб тақалади. Айни пайтда умумҳинд партиялари 10 тадан ошмаса-да, мамлакатда юзлаб сиёсий партиялар мавжуд. Хусусан, штат органларига сайловларда баъзан 300 га яқин партия иштирок этади. Уларнинг кўпчилиги штатлар миқёсида фаолият юритади. Ҳиндистонда миллий партия тушунчаси мавжуд. Парламент қуйи палатасига сайловларда камида 4 штатда 4 фоиздан кўп овоз олган партия миллий партия деб эътироф этилади. Одатда, бундай партияларнинг сони 5-7 тадан ошмайди.

Мамлакатдаги етакчи партиялардан бири ***Ҳиндистон миллий конгресси*** (социал-демократик партияси) ҳисобланади. ҲМК 1885 йил 28 декабрда ташкил этилган бўлиб, 1978 йил январда қайта тузилади. Ушбу партия Ҳиндистон давлатчилиги тарихида муҳим ўринга эга. Чунки, айнан шу партия мамлакатни мустақилликка етаклаган.

Партиянинг асосий ғояси дастлаб умуминсоний қадриятлар, давлат секторини ривожлантириш, аҳолининг турли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, ўрта синф вакилларини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлади. Аҳоли турли қатламининг ҳамкорлигини таъминлаётган социал ғоя партиянинг дастурий концепцияси ҳисобланади. ҲМК диний ва жамоага оид низоларга қарши чиқади, қашшоқлик, саводсизлик, каста (табақа) қолдиқлари билан курашади.

XX асрнинг 70 йилларига келиб, партия ғояси халққа янада яқинлашади. Шу даврдаги сайловларда партия етакчилари асосий эътиборни аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларга тенг шароитлар яратиш учун курашга қаратади. Бу эса ўз навбатида партиянинг бутун мамлакат миқёсидаги обрўсини янада ошириб юборади. Натижада сайловларда ғолибликни қўлга киритади.

Бундан кўриниб турибдики, партиянинг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд, бозор иқтисодиёти шароитида тенг имкониятларга эга бўлмаган кишиларни қўллаб-қувватлаш ғояси кўпчилик томонидан маъқулланади. Чунки, мазкур ғоя Ҳиндистонда кўп минг сонли фуқаролар ўртасида ижтимоий бирдамлик мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бугунги кунда ҳам ҲМК шу ғояни илгари сурмоқда. Бу партия ҳозир ҳам Ҳиндистондаги етакчи партиялардан ҳисобланади. 2009 йил апрель-май ойларида мамлакат парламентининг қуйи палатаси – Лок Сабҳага сайловлар бўлиб ўтди. 714 миллион нафардан ортиқ сайловчи иштирок этган мазкур сайловларда қуйи палатадаги 573 ўриндан 206 тасини ҲМК қўлга киритди ва ўзининг етакчилигини сақлаб қолди.

Бу натижа аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга хизмат қиладиган ғоя тарафдорлари Ҳиндистонда аксарият кўпчиликни ташкил этаётганини кўрсатиб турибди.

Ҳиндистонда фаолият кўрсатаётган Бхаратия жаната, Жаната дал каби йирик сиёсий партиялар ҳам ижтимоий йўналтирилган сиёсат тарафдори бўлиб келаётир. Уларнинг асосий йўналишлари қишлоқ хўжалиги ва кичик саноатни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган стратегия ишлаб чиқиш, шунингдек, чет эл инвестициялари оқими кириб келишига ёрдам берувчи сиёсат юритишга қаратилган.

Шуни айтиш лозимки, иқтисодий ривожланишда ижтимоий адолатнинг қарор топиши, ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатларни ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш учун кураш олиб бориш Ҳиндистондаги етакчи сиёсий партияларнинг умумий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

**Нурали ОРИПОВ**




## Кузатув-тадқиқотлар шуни кўрсатдики...



Тиббиёт вакилларининг кўплаб тадқиқотлари гувоҳлик бермоқдаки, эр-хотиннинг ажралиши икки томон учун ҳам оғир синов. Аммо аёллар учун ўта оғир руҳий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Жанубий Калифорния университети олимлари икки йил давомида тахминан 35 минг жуфтлик ўртасида олиб борган кузатув-тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, эр-хотиннинг ажрашиш учун тайёргарлик кўришининг ўзиёқ улар саломатлигига путур етказишни бошлайди. Ажрашиб бўлгандан кейинги ҳолатни эса айтмаса ҳам бўлади. Айниқса, аёлларнинг юрак-қон-томир тизими билан боғлиқ органларига салбий таъсири яққол сезилади.

Бу ҳолатни Америка олимларининг ҳам, финляндиялик мутахассисларнинг ҳам тадқиқот натижалари тасдиқлади. Скандинавия олимларининг фикрича, оилали одамлар якка-ёлғизларга қараганда кардиология марказларига камроқ мурожаат қиладилар.

Австралиялик олимлар эса яна бир ҳаётий ҳақиқатни тасдиқладилар: эр-хотиннинг ажрашиши нафақат аёлларнинг жисмоний саломатлигига салбий таъсир қилади, балки улар руҳиятига ҳам оғир зарба бўлади. Асабийлик улар ҳамроҳига айланади, ҳаётдан қониқмаслик, нолиш доимий кузатилади. Оғир руҳий кайфиятнинг мураккаб кўриниши айнан уларда кечади, дейилади «canoe.ca» сайтидаги ахборотда.

## 2 минг шифокор Эквадорга жўнатилади



Эквадор президенти Рафаэл Корреанинг расмий сўровига мувофиқ, Куба ва Эквадор ҳукуматлари ўртасида келишув битими имзоланди. Унга кўра, Куба маъмурияти Эквадор соғлиқни сақлаш тизимига амалий ёрдам беришга қарор қилди. Яъни Эквадор аҳолиси саломатлигини тиклаш ишларига ҳисса қўшиш учун умумий ҳисобда 2 минг нафар малакали шифокор жўнатилади.

«Новости» ахборот агентлиги хабар қилишича, биринчи босқичда 200 нафар шифокор келгуси йилнинг январида Эквадорга жўнаб кетади.

Маълумки, Куба тиббиёт соҳаси ривожи бўйича дунёга танилган. Айни пайтда 40 мингдан зиёд кубалик шифокор дунёнинг турли мамлакатларида ишламоқда. Уларнинг асосий қисми Венесуэлада хизмат қилади.

**Реклама ва эълонлар**

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2014 йилда қурилиши, реконструкция қилиниши, капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни**

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | **ЛОТ 8-3:** | | | |
| Лот-1 | Пахтачи туманидаги педагогика коллежини капитал таъмирлаш | 516 254 835 сўм | 619 505 801 сўм | 8 ой |
| Лот-2 | Пастдарғом туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежини капитал таъмирлаш | 848 209 105 сўм | 1 017 850 926 сўм | 8 ой |
| Лот-3 | Булунғур туманидаги маиший хизмат коллежини капитал таъмирлаш | 391 978 153 сўм | 470 373 783 сўм | 7 ой |
| | **ЛОТ 9-4:** | | | |
| Лот-1 | Булунғур туманидаги иқтисодиёт ва сервис коллежини капитал таъмирлаш | 400 266 129 сўм | 480 319 354 сўм | 7 ой |
| Лот-2 | Жомбой туманидаги 120 ўқувчи ўринли 39-сонли (120 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 266 386 984 сўм | 319 664 380 сўм | 7 ой |
| Лот-3 | Иштихон туманидаги 140 ўқувчи ўринли 55-сонли (140 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 327 147 430 сўм | 392 576 916 сўм | 7 ой |
| Лот-4 | Пайариқ туманидаги 140 ўқувчи ўринли 63-сонли (140 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 326 411 156 сўм | 391 693 387 сўм | 7 ой |
| | **ЛОТ 10-4:** | | | |
| Лот-1 | Қўшрабод туманидаги 420 ўқувчи ўринли 12-сонли (420 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 861 120 124 сўм | 1 033 344 148 сўм | 8 ой |
| Лот-2 | Қўшрабод туманидаги 120 ўқувчи ўринли 22-сонли (120 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 301 311 763 сўм | 361 574 116 сўм | 7 ой |
| Лот-3 | Қўшрабод туманидаги 140 ўқувчи ўринли 43-сонли (140 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 343 507 712 сўм | 412 209 255 сўм | 7 ой |
| Лот-4 | Қўшрабод туманидаги 80 ўқувчи ўринли 67-сонли (80 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 245 878 588 сўм | 295 054 306 сўм | 7 ой |
| | **ЛОТ 11-4:** | | | |
| Лот-1 | Қўшрабод туманидаги 80 ўқувчи ўринли 83-сонли (80 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 255 727 896 сўм | 306 873 475 сўм | 7 ой |
| Лот-2 | Нуробод туманидаги 300 ўқувчи ўринли 22-сонли (300 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки ва 12х24м спортзал қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 864 447 738 сўм | 1 037 337 286 сўм | 8 ой |
| Лот-3 | Нуробод туманидаги 140 ўқувчи ўринли 48-сонли (140 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 349 403 291 сўм | 419 283 950 сўм | 7 ой |
| Лот-4 | Нуробод туманидаги 120 ўқувчи ўринли 71-сонли (120 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 329 576 717 сўм | 395 492 060 сўм | 7 ой |

**Қурилиш ишлари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Савдо ташкилотчиси*** - Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи***: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

***Манзили***: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 8-3 (Лот-3), Лот 9-4 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4), Лот 10-4 (Лот-2, Лот-3, Лот-4), Лот 11-4 (Лот-1, Лот-3, Лот-4) объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.**

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2014 йилда қурилиши, реконструкция қилиниши, капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича**

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | **ЛОТ 12-3:** | | | |
| Лот-1 | Жомбой туманидаги 320 ўқувчи ўринли 25-сонли мактабни капитал таъмирлаш | 365 382 298 сўм | 438 458 758 сўм | 7 ой |
| Лот-2 | Каттақўрғон туманидаги 240 ўқувчи ўринли 62-сонли (240 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 487 289 332 сўм | 584 747 198 сўм | 8 ой |
| Лот-3 | Каттақўрғон туманидаги 420 ўқувчи ўринли 83-сонли (420 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки ва 12х24м спортзал қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 1 135 195 347 сўм | 1 362 234 416 сўм | 8 ой |
| | **ЛОТ 13-3:** | | | |
| Лот-1 | Каттақўрғон туманидаги 240 ўқувчи ўринли 45-сонли (240 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки ва 9х18м спортзал қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 764 340 015 сўм | 917 208 018 сўм | 8 ой |
| Лот-2 | Нарпай туманидаги 180 ўқувчи ўринли 46-сонли (180 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 381 891 066 сўм | 458 269 280 сўм | 7 ой |
| Лот-3 | Нарпай туманидаги 480 ўқувчи ўринли 35-сонли (480 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 896 217 840 сўм | 1 075 461 408 сўм | 8 ой |
| | **ЛОТ 14-4:** | | | |
| Лот-1 | Пастдарғом туманидаги 120 ўқувчи ўринли 76-сонли (120 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 268 593 681 сўм | 322 312 417 сўм | 8 ой |
| Лот-2 | Пахтачи туманидаги 300 ўқувчи ўринли 5-сонли (300 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки ва 12х24м спортзал қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 933 646 776 сўм | 1 120 376 131 сўм | 8 ой |
| Лот-3 | Самарқанд туманидаги 96 ўқувчи ўринли 25-сонли (96 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 269 547 620 сўм | 323 457 144 сўм | 7 ой |
| Лот-4 | Каттақўрғон туманидаги 120 ўқувчи ўринли 94-сонли (120 ўқувчи ўринли қўшимча ўқув блоки қурилиши) мактабни реконструкция қилиш | 276 958 588 сўм | 332 350 305 сўм | 7 ой |

**Қурилиш ишлари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | **ЛОТ 15-5:** | | | |
| Лот-1 | Самарқанд шаҳридаги бокс бўйича олий маҳорат спорт мактабини капитал таъмирлаш | 308 460 002 сўм | 370 152 002 сўм | 7 ой |
| Лот-2 | Окдарё туманидаги 7-сонли мактабга 12х24м ўлчамли қўшимча спортзал қурилиши | 357 426 557 сўм | 428 911 869 сўм | 7 ой |
| Лот-3 | Нуробод туманидаги 28-мактабга 12х24м ўлчамли қўшимча спортзал қурилиши | 357 431 011 сўм | 428 917 213 сўм | 7 ой |
| Лот-4 | Тайлоқ тумани Жумабозор қишлоғидаги 29-мактабга 12х24м ўлчамли қўшимча спортзал қурилиши, ёрдамчи хоналари билан | 352 581 096 сўм | 423 097 315 сўм | 7 ой |
| Лот-5 | Ургут тумани Ипакли қишлоғидаги 120-мактабга 12х24м ўлчамли қўшимча спортзал қурилиши, ёрдамчи хоналари билан | 359 841 174 сўм | 431 809 409 сўм | 7 ой |

**Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Савдо ташкилотчиси*** - Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи***: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

***Манзили***: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 12-3 (Лот-1), Лот 13-3 (Лот-2), Лот 14-4 (Лот-1, Лот-3, Лот-4), Лот 15-5 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4, Лот-5) объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

# МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТИ

## бўйича Фарғона вилоят тажрибаси оммалаштирилмоқда



Маънавият тарғибот маркази

●●● Республика маънавият тарғибот маркази қарори билан Фарғонада кўргазмали ўқув-семинар бўлиб ўтди.

— Менимча энг муҳим жиҳат, Фарғона вилоятида маънавият тарғибот ишларининг истиқболли режаси тузилгани ва у изчил амалга оширилаётганида, — дейди семинар иштирокчиси, маънавият тарғибот маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари Лола Саодатова. — Шунингдек, барча тадбирлар бир-бири билан уйғунлашган ва ягона мақсадга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, вилоятда Маънавият ва маърифат кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодкор зиёлилар ролини кучайтириш чора-тадбирлари дастури тузилган бўлиб, у турли йўналиш ва услубий тадбирларни қамраб олган.

Ушбу тадбирлар доирасида вилоятдаги барча марказий кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари ва тармоқ кутубхоналарни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги янги китоблар билан таъминлаш учун 82 та ҳомий ташкилот 400 миллион сўмлик, вилоят халқ таълими бошқармаси 360 миллион сўмлик ҳамда ўз ихтиёри билан ҳомийлик қилмоқчи бўлган тадбиркорлар томонидан 100 миллион сўмлик шартномалар имзоланди. Бугунги кунда жами 1 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига вилоятга 100 мингга яқин янги китоб олиб келинди.

Ҳозирда фойдаланилаётган ёки қисман бошқа мақсадларда фойдаланилаётган кинотеатрлар қайта таъмирланиб ва жиҳозланиб ёшлар марказига айлантириляпти. Фарғона шаҳридаги кинотеатрлардан бири маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимининг анжуманлар саройига айлантирилди. Қувасой, Марғилон шаҳарлари, бир қанча туман марказларидаги истироҳат боғларида жуда кенг миқёсли ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Вилоятда фаолият кўрсатаётган барча давлат театрларида шу йилнинг ўзида 300 минг кишига хизмат кўрсатиш режалаштирилган эди. Томошабинларнинг атроф туманлардан Қўқон ва Фарғонага келиши ташкил этилди. Бундан ташқари, маҳалла гузарларида, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида, фермер хўжаликларида, ташкилотларда, ҳарбий қисмларда алоҳида жадвал асосида кино, видеофильмлар намойиш этувчи кўчма гуруҳлар иш олиб борди, вилоятда кино ойлиги ўтказилди.

Маънавият тарғибот маркази Фарғона вилоят бўлими томонидан 9 та йўналишда: «Энг яхши маъруза матни», «Энг яхши шеър», «Энг яхши фотокўргазма», «Энг яхши асар», «Энг яхши телекўрсатув», «Энг яхши қўшиқ», «Энг яхши санъат асари», «Энг яхши саҳна кўриниши» каби номинациялар бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Ғолиблар вилоят маънавият ва маърифат кенгаши томонидан 10 000 000 сўм пул мукофоти, иккинчи ўрин соҳиблари компьютер жамланмаси, учинчи ўрин эгалари эса замонавий телевизорлар ҳамда маънавият ва маърифат кенгашининг дипломлари билан тақдирланди.

— Яна бир ибратли тажрибани кўрдик, — дейди семинар иштирокчиси, маънавият тарғибот маркази Самарқанд вилоят бўлими раҳбари Салоҳиддин Санақулов. — Фарғонада бундан икки йил аввал олимлар, ёзувчи-шоирлар, маънавият тарғиботчилари, журналистлар, сиёсатчилардан иборат 95 та тарғибот гуруҳи тузилган экан. Улар режа асосида доимий фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу тажрибани қўлласак, тарғибот ишларида катта имкониятларга эга бўламиз.

Маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, тарғибот гуруҳларини қўллаб-қувватлаш, маънавият тарғибот соҳасида муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда ҳар йили анъанавий тарзда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг 9 февраль куни ташкил этилган навбатдаги «Маънавият» умумхалқ хайрия ҳашаридан 2 млрд. 800 млн. сўмдан ортиқ маблағ вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ҳисоб-рақамига тушган.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва маънавий-маърифий соҳалардаги юксалишига бағишланган ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган қатор китоблар «Маънавият» умумхалқ хайрия ҳашаридан тушган қарийб 100 миллион сўм маблағ ҳисобидан чоп этилди.

— Фарғона вилояти ҳокимининг махсус фармойишига асосан маънавият тарғибот марказининг барча шаҳар бўлимларига 3, туман бўлимларига 1 ҳамда вилоят бўлимига 7 та, жами 34 та доимий штат жорий этилиб, уларнинг иш ҳақи учун вилоят ҳокимлигининг захира фонди ҳисобидан маблағ ажратилгани яна бир ибратли тажриба, албатта. Маънавият тарғибот маркази вилоят, шаҳар ва туман бўлимларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳашар маблағлари ҳисобидан 111 300 000 сўм маблағ сарфланиб, ноутбук ва мультимедиа воситалари билан таъминланганини ҳавасимизни келтирди, — дейди маънавият тарғибот маркази Бухоро вилоят бўлими раҳбари Бобур Каримов. — Бўлимлар ўтган йили автомашиналар билан ҳам таъминланибди. Бу маънавият тарғиботчилари олис ҳудудларгача етиб боришига янада қулай шароит яратади, албатта.

Ўқув-семинар иштирокчилари Данғара тумани, Қўқон, Марғилон шаҳарларида маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. Марғилон ўйингоҳида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида ўтган маърифий тадбирда қатнашдилар.

— Мазкур ўқув-семинардан мақсад уни республиканинг барча вилоятларидан келган мутахассислар ўз кўзлари билан кўриб, танишиб ўргансин, — дейди Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари Қаҳрамон Қуронбоев. — Бундай тажрибалар қанча кўп оммалашса, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги шунча ошади.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Футбол

янги мавсумида Ватанимиз шарафини «Бунёдкор», «Локомотив» ҳамда «Насаф» жамоалари ҳимоя қилади

# ОСИЁ чемпионлар лигаси



Куни кеча Куала-Лумпур (Малайзия)да Осиё футбол конфедерацияси келаси йили Осиё чемпионлар лигаси учрашувларининг қай тартибда ўтказилишини маълум қилди.

ОФК Ижроия қўмитаси қарорига кўра, кейинги уч йил давомида мусобақа финали уй-сафар тизими асосида ташкил этилади. Бундан ташқари, мусобақа ярим финалига қадар қатнашчилар фақат ўз минтақа(Шарқ ва Ғарб)ларидаги мамлакатлар вакилларига қарши тўп суришади.

Шунингдек, 2014 йилги мавсум учун Осиё чемпионлар лигаси учун квоталар ҳам белгиланди. Унга мувофиқ, Ўзбекистонга 1+2 (бир жамоа («Бунёдкор») тўғридан-тўғри гуруҳ босқичидан, яна икки жамоа («Локомотив» ва «Насаф») эса саралаш босқичи баҳсларидан мусобақага қўшилади) кўринишида квота ажратилди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, 2013 йилги мавсумда юртимиз жамоалари («Пахтакор», «Бунёдкор» ва «Локомотив») Осиё чемпионлар лигасида 2+1 квотаси билан иштирок этган эди.

Аввалгиларидан фарқли жиҳати, 2014 йилги мавсумдан бошлаб Шарқий минтақада Сингапур, Гонгконг, Вьетнам, Ғарбий минтақада эса Ҳиндистон, Иордания, Уммон, Баҳрайн, Ироқ ва Қувайт давлатлари футбол клублари ҳам қатнашади.

Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионлар лигасининг янги мавсум учрашувларига қуръа ташлаш маросими 10 декабрь куни бўлиб ўтади.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

# ОНЛАЙН ПЛАСТИК КАРТОЧКАнинг афзалликлари ҳамда қулайликларидан аҳоли мамнун

Долзарб мавзу

●●● Аммо баъзи ҳолларда муаммоларга ҳам дуч келинмоқда

Бугунги кундалик ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур эта олмаймиз. Янги технологиялар одамлар манфаатига хизмат қилмоқда. Бошқача айтганда, мушкулини осон қилиб, вақтини тежамоқда.

Ана шундай ютуқлардан бири — бу нақд пулсиз, яъни пластик карточка орқали савдо-сотиқни амалга оширишдир. Чунки бунинг жорий этилиши истеъмолчига бирқанча қулайликлар яратади. Харид учун савдо шохобчаси, «Минимаркет» ёки «Супермаркет»ларга чўнтагимизни қаппайтириб, бир даста пул эмас, балки пластик карточка олиб бормоқдамиз. Унинг ичида қанча маблағ борлигини ўзимиздан бошқа ҳеч ким билмайди. Пластик карточканинг фойдали томони фақат шундан иборат эмас. Пластик карточка орқали ҳисоб-китоб қилиш савдо ходимлари маблағни ноқонуний тарзда, яъни банкдан ташқари айлантиришига ҳам йўл қўймайди.

Кейинги пайтларда тобора оммалашиб бораётган онлайн пластик карточкаси эса янада кенг қулайликларга эга. Ундан ҳатто, мобиль телефон орқали қанча маблағ борлигини билиш, уни бошқариш ва сарфлаш ҳам мумкин экан. Буни мутахассислар қуйидагича изоҳлашди:

Онлайн пластик карточкангизни олиб тегишли банкка борасиз. Картани банкоматга жойлаб, асосий менюдан «SMS хабарнома хизмати»га кирасиз. Бу хизматни ёқишни тасдиқлаганингиздан сўнг, қайси телефон рақамига бириктириш лозимлигини кўрсатиш керак. Телефон рақамини коди билан тўлиқ, яъни (+99890) ва асосий яна 7 та рақамни киритиш талаб этилади. Шундан сўнг телефонга SMS тарзида онлайн тўловларни амалга ошириш учун махсус код келади. У қуйидагича бўлади: *880*0*карта рақами (онлайн пластик карточкангизнинг 16 рақами)*карточканинг амал қилиш муддати (масалан 0917) # чақирув тугмаси. Ушбу кодни терганингиздан кейин телефонингизга сўровномангиз қабул қилингани, хизмат фаоллаштирилгани ҳақида яна хабар келади. Ундан фойдаланиш учун *880# рақамини териб, шахсий танитувчи рақам ҳамда код қўйиш сўралади. Хавфсизлик нуқтаи назаридан, унга камида беш хонали рақамдан иборат сон танлаш талаб этилади. Махсус код терилгач, у яна бир марта қайта киритилади. Шу тариқа сиз *880# чақирув тугмасини босиб хизматдан бемалол фойдаланишингиз мумкин. Бу бор-йўғи беш дақиқа вақтни олади.

Мазкур хизматнинг тўлиқ номи click.uz. У кеча-ю кундуз, яъни 24 соат давомида узлуксиз ишлайди. Ушбу хизмат орқали сиз пластик карточкангиздан шахсий ва бошқа телефон рақамлари ҳисобини тўлдиришингиз ҳамда интернет провайдер, веб-сайтлар, кабель-телевидение ҳамда коммунал тўловларни амалга оширишингиз мумкин. Шунингдек, пластик картадаги қолган суммани билиш учун терминалга боришнинг ҳожати йўқ. Чунки, телефон ёрдамида кўриш мумкин.

Мана шундай қулайликларга эга бўлган онлайн пластик карточкаси орқали истеъмолчилар савдо шохобчалари, «Минимаркет» ва «Супермаркет»ларда муаммоларга дуч келаётгани тўғрисида таҳририятимизга мурожаатлар бўлмоқда. Аксарият ҳолларда терминал ишламаётгани баҳона қилинаётгани айтилмоқда. Шундай ҳолатлар юзага келганида қайси масъул идорага тезкорлик билан хабар қилиш мумкинлиги сўралмоқда.



Бу масалага изоҳ беришни сўраб, таҳририятимиз Давлат солиқ қўмитасига мурожаат қилди.

**Республика Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Одилхон Рустамов** берган маълумотга кўра, солиқ хизмати органлари томонидан савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши, ҳисоб-китоб терминалларини ўрнатишдан бош тортиш, пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш пайтида товарлар нархини сунъий равишда ошириш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилмаслик ҳолатлари бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши зарурлиги, қонунбузарликларга йўл қўйилган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари кўрилиши тўғрисида ёзма эслатмалар тарқатилди, оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар қилинди. Шунингдек, жорий йилда солиқ органларига келиб тушган маълумотлар асосида ўтказилган текширишларнинг 2660 дан ортиғида савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш шохобчаларида ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган. Ушбу текширувлар натижалари бўйича 2000 нафардан ортиқ жавобгар шахсга нисбатан маъмурий жарималар ва 1700 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига нисбатан 4 миллиард сўмдан ортиқ молиявий жарималар қўлланилган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш шохобчалари томонидан онлайн пластик карточкаларидан харид ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш жараёнида юзага келаётган муаммолар бўйича истеъмолчилар **Давлат солиқ қўмитасининг «Ишонч телефонлари»га,** яъни **(8371-244-98-98)** рақамига мурожаат этишлари ёки ёзма равишда шикоят қилишлари мумкин. Бундан ташқари, вилоятлардаги бошқармаларда ҳамда туманлардаги солиқ инспекцияларида ҳам «Ишонч телефонлари» мавжуд.

Демак, онлайн пластик карточка орқали ҳисоб-китоб қилишда муаммога дуч келсангиз, дарҳол Солиқ идораларининг «Ишонч телефонлари»га қўнғироқ қилишингиз мумкин.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама

**ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Объект номи:**
**«Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Юксалиш кўчасидаги 1-сонли оилавий поликлиникани ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ташқи ёритиш ишлари».**

***Бошланғич нархи:*** 218 681 356 сўм ҚҚС билан, 182 234 463 сўм ҚҚС сиз.

***Муддати*** – 35 кун.

**Буюртмачи:** Фарғона филоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**Манзил:** Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, тел.(373) 400-52-80.

Қурилиш-монтаж ишлари Фарғона вилояти ХЭТК маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоси фақат кичик бизнес субъектлари учун.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар(ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин. *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373) 244-55-32.*

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертапарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй* манзилида ўтказилади.

**ОБ-ҲАВО** 28-29 – 11. 2013

| Юртимиз бўйлаб (°C) | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | 0 / +5 | +12 / +17 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +3 / +8 | +17 / +22 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +2 / +7 | +13 / +18 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +3 / +8 | +18 / +23 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | -1 / +4 | +12 / +17 |
| Тошкент шаҳри | +5 / +7 | +18 / +20 |

| Дунё бўйлаб (°C) | |
|---|---|
| Лондон | +7 / +9 |
| Париж | +7 / +10 |
| Москва | -1 / +1 |
| Кейптаун | +16 / +28 |
| Қоҳира | +18/ +26 |
| Гавана | +17 / +27 |
| Вашингтон | -4/ +4 |

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан 2010 йилда Юнусобод тумани, 9-мавзе, 8-уй, 47-хонадон эгаси Парпиева Муҳаббат Маматовна номига берилган уй плани ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146
10338 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi - 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 22.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 4 5